ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИНИНГ

ҚАРОРИ

Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги ижод мактаблари раҳбар кадрларининг салоҳияти, бошқарув маҳорати ва ташаббускорлигини баҳолаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 19 июлдаги ПҚ–5188-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президент таълим муассасалари агентлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 июлдаги ПҚ–5188-сон қарори билан тасдиқланган Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги ижод мактаблари фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича “йўл харитаси”га асосан Президент таълим муассасалари агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб юритилади) тизимидаги ижод мактаблари раҳбар кадрларининг салоҳияти, бошқарув маҳорати ва ташаббускорлигини ўрганиб, уларнинг лавозимига лойиқлигини кўриб чиқиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Агентлик тизимидаги ижод мактаблари раҳбар кадрлари (кейинги ўринларда баҳоланувчилар деб юритилади) салоҳияти, бошқарув маҳорати ва ташаббускорлигини ўрганиб, уларнинг лавозимига лойиқлигини кўриб чиқиш Агентлик директори томонидан тасдиқланган жадвал асосида амалга оширилсин.

3. Қуйидагилар:

Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги ижод мактаблари раҳбар кадрларининг салоҳияти, бошқарув маҳорати ва ташаббускорлигини баҳолаш (кейинги ўринларда баҳолаш деб юритилади) тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги ижод мактаблари раҳбар кадрларининг салоҳияти, бошқарув маҳорати ва ташаббускорлигини

баҳолаш комиссияси (кейинги ўринларда баҳолаш комиссияси деб юритилади) таркиби 2-иловага мувофиқ;

Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги ижод мактаблари раҳбар кадрларининг салоҳияти, бошқарув маҳорати ва ташаббускорлигини баҳолаш бўйича эксперт гуруҳи таркиби 3-иловага мувофиқ;

Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги ижод мактаблари раҳбар кадрларининг салоҳияти, бошқарув маҳорати ва ташаббускорлигини баҳолаш натижалари юзасидан берилган мурожаатларни кўриб чиқиш бўйича апелляция комиссияси таркиби 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилаб қўйилсинки, баҳолаш комиссияси томонидан баҳоланувчининг фаолияти қониқарсиз эканлиги тўғрисида берилган хулоса ходимнинг малакаси етарли эмаслигини тасдиқловчи далиллардан бири ҳисобланади ҳамда иш берувчи томонидан ходим билан тузилган меҳнат шартномасини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисмининг 2-бандига асосан меҳнат қонунчилигида белгиланган тартибда бекор қилиш учун асос бўлади.

5. Баҳолаш комиссияси (А.Абдуллаев):

баҳоланувчиларнинг фаолиятини баҳолаш жараёнини ўтказиш санаси ва жойи тўғрисидаги маълумотларни баҳолаш комиссияси аъзоларига ҳамда баҳоланувчиларга баҳолаш жараёни ўтказилишидан бир ой олдин етказиш, Агентликнинг расмий веб-сайти орқали эълон бериш;

баҳоланувчиларнинг билим ва кўникмаларини баҳолаш жараёни адолатли, холисона ва шаффоф ўтказилишини таъминлаш;

баҳоланувчиларнинг ўз лавозимига лойиқ ёки лойиқ эмаслиги тўғрисида Агентлик директорига асослантирилган таклиф киритиш;

баҳолаш натижаларига кўра фаолияти қониқарсиз деб топилган, шунингдек, баҳолаш жараёнига узрли сабабларсиз қатнашмаган баҳоланувчиларга нисбатан меҳнат қонунчилигига мувофиқ чоралар кўрилиши юзасидан таклифлар бериш чораларини кўрсин.

6. Агентликнинг Оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими (Д.Собирова)га баҳолаш жараёнларини ўтказиш санаси ва тартиби тўғрисида оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқларда, шунингдек, Агентликнинг веб-сайтида давлат тили ва рус тилида эълон бериш, баҳолашни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

7. Агентликнинг Ахборот-коммуникация технологиялари бўлими (Р.Мусурмонов) баҳолаш жараёнларини Интернет жаҳон ахборот тармоғи (youtube.com) орқали онлайн трансляция қилинишини таъминласин.

8. Агентликнинг Ташкилий назорат ва мурожаатлар билан ишлаш бўлими (Х.Усманов), Таълим инспекциясининг Ижро интизомини назорат қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўлими (Ж.Мусурмонов) бир кун муддатда мазкур қарорни барча манфаатдор шахслар эътиборига етказсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Президент таълим муассасалари агентлиги директори ўринбосари А.Абдуллаев ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг биринчи ўринбосари Х.Кетмонов зиммасига юклатилсин.

Президент таълим муассасалари агентлиги директори _____ **Х.Умарова**

Тошкент ш.
2021 йил 27 08,
90 -сон

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи _____ **У.Ташкенбаев**

Тошкент ш.
2021 йил 27 08,
27 -сон

Келишилган:

Бандлик ва мехнат муносабатлари вазири _____ **Н.Хусанов**

2021 йил 27 08

Президент таълим муассасалари агентлиги
ва Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим
сифатини назорат қилиш давлат
инспекциясининг
2021 йил _____ даги
_____ ва _____-сон қарорига
1-ИЛОВА

Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги ижод мактаблари раҳбар кадрларининг салоҳияти, бошқарув маҳорати ва ташаббускорлигини баҳолаш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ

Мазкур Низом Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги ижод мактаблари раҳбар кадрларининг (кейинги ўринларда – баҳоланувчилар) салоҳияти, бошқарув маҳорати ва ташаббускорлигини баҳолаш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Баҳоланувчиларнинг салоҳияти, бошқарув маҳорати ва ташаббускорлигини баҳолаш (кейинги ўринларда – баҳолаш) бир марталик характерга эга бўлиб, Президент таълим муассасалари агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) директори томонидан тасдиқланадиган жадвал асосида ўтказилади.

2. Баҳоланувчиларни баҳолаш жараёни ошкоралик, кенгашиб иш кўриш, холислик, тенг ҳуқуқлилик, шаффофлик тамойиллари асосида ташкил этилади.

3. Баҳоланувчилар сифатида қуйидаги раҳбар кадрлар баҳолаш жараёнларига жалб этилади:

директор;

ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари;

маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари;

ихтисослаштирилган фанлар бўйича директор ўринбосари;

4. Баҳоланувчиларни баҳолаш жараёнини ўтказиш санаси ва жойи тўғрисидаги маълумотлар ҳамда баҳолаш юзасидан саволнома баҳолаш жараёни ўтказилишидан бир ой олдин баҳоланувчиларга маълум қилиниб, Агентликнинг расмий веб-сайти орқали эълон берилади.

5. Агентлик баҳоланувчиларнинг баҳолаш ҳамда уларнинг сифат таркибини қайта кўриб чиқиш жараёнини ташкил этишга масъул ҳисобланади.

2-боб. Баҳолашнинг мақсади ва вазифалари

6. Баҳоланувчиларни баҳолашдан мақсад ижод мактабларининг раҳбар лавозимларини мамлакатимизда, хусусан, таълим тизимида кечаётган ислоҳотларни тушунадиган, малакали, фаол ва ўзгариш қилишга қодир бўлган кадрлар билан таъминлашдан иборат.

7. Баҳоланувчиларни баҳолашнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Агентлик тизимидаги ижод мактаблари фаолиятини такомиллаштириш, юқори малакали раҳбар кадрлар билан таъминлаш ва уларнинг фаолиятини баҳолаш;

Агентлик тизимидаги ижод мактаблари раҳбар кадрларининг фаолияти самарадорлигини ҳамда масъулиятини ошириш;

баҳолаш натижаларига асосан Агентлик тизимидаги ижод мактаблари раҳбар кадрларининг лавозимига лойиқлигини кўриб чиқиш.

3-боб. Баҳолашни ташкил этиш ва ўтказиш

8. Баҳоланувчиларни баҳолаш жараёнига қуйидагилар жалб этилмайди:

ҳомиладорлик ва туғиш таътилидаги аёллар ҳамда бола парваришлаш таътилидаги ходимлар;

лавозимга ишга қабул қилинганига ёки бола парваришлаш таътилидан қайтганига бир йил тўлмаган ходимлар;

баҳоланувчиларнинг лавозим мажбуриятлари зиммасига вақтинча юклатилган ходимлар;

меҳнатга лаёқатсизлик даврида бўлганлар.

9. Баҳоланувчиларни баҳолаш Агентлик ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда – Таълим инспекцияси) томонидан тасдиқланадиган Агентлик тизимидаги ижод мактаблари раҳбар кадрларининг салоҳияти, бошқарув маҳорати ва ташаббускорлигини баҳолаш комиссияси (кейинги ўринларда – баҳолаш комиссияси) томонидан амалга оширилади.

Баҳолаш комиссияси 9 кишидан иборат бўлиб, аъзоларининг ярмидан кўпи иштирок этса, комиссия мажлисининг ўтказилиши қонуний ҳисобланади.

10. Баҳолаш комиссиясининг фаолиятига кўмаклашиш мақсадида Агентлик тизимидаги ижод мактаблари раҳбар кадрларининг салоҳияти,

бошқарув маҳорати ва ташаббускорлигини баҳолаш бўйича эксперт гуруҳи (кейинги ўринларда – эксперт гуруҳи) ташкил этилади.

Эксперт гуруҳининг таркиби Агентлик ва Таълим инспекцияси томонидан тасдиқланади.

Заруриятга кўра, эксперт гуруҳи ишининг самарадорлигини ошириш учун унинг фаолиятига бошқа мутахассислар ҳам жалб этилиши мумкин.

11. Баҳоланувчиларнинг ҳар бири алоҳида ҳужжатлар жамланмасини (портфолио) тайёрлайди ва эксперт гуруҳига тақдим қилади.

Ҳужжатлар жамланмаси (портфолио)га қуйидагилар киради:

маълумотнома-объективка;

паспорт, меҳнат дафтарчаси, олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатлари, малака тоифаси, илмий даражаси ва илмий унвони (агар бўлса) тўғрисидаги, қайта тайёрлашдан ўтганлиги ва малака оширганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (сертификат) нусхалари;

сўнгги бир йилда нашр этилган илмий, ўқув-методик ишлари, мақолалари ва ихтироларининг муаллиф имзоси қўйилган рўйхати;

баҳоланувчининг бевосита раҳбарлигида охирги бир йилда бажарилган ўқув-методик, илмий, маънавий-маърифий ва ташкилий-техник ишлар ҳисоботи;

меҳнат фаолияти давомида амалга оширган ишлари, эришган натижалари, меҳнати самарадорлиги, иш тажрибаси ҳамда таълим жараёнларини ташкил этиш юзасидан охирги бир йиллик фаолиятига доир маълумотлар;

Агентлик тизимидаги ижод мактабини ривожлантириш бўйича 3 йиллик истиқболдаги режалари тўғрисидаги қисқача маълумоти.

Ҳужжатлар жамланмасида (портфолио) баҳоланувчининг эгаллаб турган лавозими малака талабларига мос эмаслиги ёки нотўғри маълумотлар ва қалбаки ҳужжатлар аниқланган тақдирда, баҳоланувчини баҳолаш жараёнининг ҳар қандай босқичидан четлаштирилади ҳамда “эгаллаб турган лавозимига лойиқ эмас” деб ҳисобланади.

12. Баҳоланувчиларни баҳолаш жараёни икки босқичда ташкил қилинади.

13. Биринчи босқичда баҳоланувчининг лавозимига қўйилган малака талабларига мувофиқлиги, охирги бир йил давомида баҳоланувчининг ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича ишларни муддатида ва сифатли бажарганлиги, фаолият олиб бораётган ижод мактабининг ривожланиш динамикаси, баҳоланувчининг бевосита раҳбарлигида ёки унинг ташаббуси

билан амалга оширилган ўқув-услубий, ташкилий-техник, илмий, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар бўйича фаолияти ўрганилади.

14. Эксперт гуруҳлари томонидан баҳоланувчининг меҳнат фаолиятига оид ҳужжатлар жамланмаси (портфолио), ижод мактабини ривожлантириш бўйича амалга оширган ишлари, эришган натижалари, меҳнати самарадорлиги, бошқарувни ташкил этиш юзасидан охирги бир йиллик фаолиятига доир маълумотлар, касбий ва раҳбарлик фаолияти, расмий ҳужжатлар, унинг фаолияти юзасидан тўпланган материаллар, фотосуратлар, видеотасвирлар, ҳисоботлар, рағбатлантирилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ўрганилади, таҳлил қилинади ҳамда мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади.

Баҳоланувчининг балли мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ баҳоларни қайд этиш варақасига эксперт гуруҳлари ҳар бир аъзосининг алоҳида қўйган баллари ўртачасидан келиб чиқиб аниқланади.

15. Биринчи босқич учун умумий 40 балл берилади, умумий баллнинг 56 фоизи (22,4 балл) ва ундан юқори балл тўплаган баҳоланувчилар иккинчи босқичдан ўтган ҳисобланади.

16. Иккинчи босқичда баҳоланувчиларнинг соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қай даражада билиши, жаҳон ва республика миқёсидаги таълим тизимига оид янгиликлардан хабардорлиги, касбий, лавозим мажбуриятлари ва фаолиятини ташкил этиши бўйича баҳолаш комиссиялари томонидан суҳбат ўтказилиб, суҳбат жараёнида аввалдан тақдим этилган саволнома асосида баҳоланувчиларга билет асосида учтадан савол берилади ҳамда мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади.

Берилган саволларга тўлиқ жавоб олиш мақсадида баҳоланувчига қўшимча саволлар берилиши мумкин.

Баҳоланувчининг балли мазкур Низомга 4-иловага мувофиқ баҳоларни қайд этиш варақасига баҳолаш комиссияси ҳар бир аъзосининг алоҳида қўйган баллари ўртачасидан келиб чиқиб аниқланади.

17. Иккинчи босқич учун умумий 60 балл берилади, умумий баллнинг 56 фоизи (33,6 балл) ва ундан юқори балл тўплаган баҳоланувчилар иккинчи босқичдан ўтган ҳисобланади.

18. Икки босқич бўйича умумий баллар йиғиндиси 100 баллни ташкил қилади. Икки босқич натижалари бўйича умумий 55 ва ундан юқори балл тўплаган баҳоланувчилар баҳолашдан муваффақиятли ўтган ҳисобланади.

Босқичларнинг бирортаси бўйича белгиланган умумий баллнинг 55 фоизидан кам балл тўплаганлар баҳолашдан ўтмаган ҳисобланади.

19. Иккинчи босқични ўтказиш жараёнида баҳоланувчиларга қуйидагилар тақиқланади:

уяли телефон, бошқа алоқа ва телекоммуникация воситалари, китоб ҳамда шпаргалкалардан фойдаланиш;

бошқа баҳоланувчилар билан суҳбатлашиш;

баҳоланувчиларга баҳолаш натижаси эълон қилинмагунча баҳолаш комиссияси раисининг рухсатисиз хонадан ташқарига чиқиш.

Баҳоланувчиларнинг мазкур қоидага амал қилмаслиги уни баҳолаш жараёнида қатнашишдан четлаштириш учун асос бўлади. Ушбу ҳолатда масъул котиб томонидан мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шаклда далолатнома расмийлаштирилади ва баҳолаш комиссияси аъзоларининг камида уч нафари томонидан имзоланади.

20. Суҳбат жараёни шаффофлик ва холисликни таъминлаш мақсадида узлуксиз равишда овозли видеоёзувга туширилади, видеотасвир Агентликда уч йил мобайнида сақланади.

21. Баҳолаш комиссияси икки босқич бўйича эксперт гуруҳлари томонидан қўйилган баллар ва суҳбат жараёни натижаларига асосланиб, баҳоланувчиларга нисбатан “эгаллаб турган лавозимига лойиқ” ёки “эгаллаб турган лавозимига лойиқ эмас” деган қарорлардан бирини қабул қилади.

22. Форс-мажор ва фавқулодда ҳолатлар, шунингдек пандемия муносабати билан карантин қоидалари амал қилиш даврида ҳужжатларни қабул қилиш ва баҳоланувчиларни баҳолаш масофадан туриб (онлайн шаклда) амалга оширилиши мумкин.

23. Баҳолаш комиссиясининг қарорлари унинг мажлисида комиссия аъзоларининг ярмидан кўпи иштирок этганда ваколатли ҳисобланади.

24. Баҳоланувчиларни баҳолаш жараёнига ёки унинг бирорта босқичига узрли сабабга (асослантирувчи ҳужжатлар, меҳнатга лаёқатсизлик варақаси, баҳоланувчиларнинг тушунтириш хати, юқори турувчи раҳбарнинг маълумотномаси) кўра келмаган бўлса, баҳоланувчини баҳолаш жараёни бошқа муддатга кўчирилади. Бунда келмаслик сабаблари бартараф этилган пайтдан бошлаб 3 иш куни ичида баҳоланувчи дарҳол белгиланган тартибда баҳолаш жараёнидан ўтказилади.

25. Баҳоланувчилар баҳолаш жараёнида узрсиз сабабга кўра иштирок этмаган бўлса, шунингдек, баҳоланувчи далолатнома асосида баҳолаш жараёнидан четлаштирилган бўлса, баҳолаш комиссияси томонидан унга

нисбатан “эгаллаб турган лавозимига лойиқ эмас” деган қарор чиқарилиши учун асос бўлади.

26. Баҳолаш комиссиясининг қарори баённома шаклида мазкур Низомнинг 6-иловасига мувофиқ расмийлаштирилади ҳамда комиссия раиси (у бўлмаганда баҳолаш комиссияси раиси ўринбосари) ва котиб томонидан имзоланади. Баённомаларнинг асли Агентликда бир йил муддат сақланади.

27. Баҳолаш комиссиясининг қарори мазкур Низомнинг 7-иловасига мувофиқ шаклдаги баҳолаш варақасига қайд этилади ва комиссия раиси, унинг ўринбосари, котиб ва баҳолаш комиссиясининг мажлисида иштирок этган аъзолари томонидан имзоланади. Баҳолаш варақаси баҳоланувчиларнинг шахсий ҳужжатлар жамланмасига (портфолиога) тикиб қўйилади.

28. Баҳолаш комиссиясининг “эгаллаб турган лавозимига лойиқ эмас” деган қарори асосида баҳоланувчига паст лавозимдаги маълумоти ва мутахассислигига мос бўлган бўш иш ўрни таклиф этилади, агар шундай иш ўрни мавжуд бўлмаса, у билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчи томонидан меҳнат қонунчилигида белгиланган тартибда бекор қилинади.

4-боб. Баҳолаш жараёни натижалари юзасидан мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби

29. Баҳоланувчиларни баҳолаш жараёни натижалари юзасидан берилган мурожаатларни кўриб чиқиш учун апелляция комиссияси ташкил этилади. Апелляция комиссияси 5 кишидан иборат таркибда Агентлик ва Таълим инспекцияси томонидан тасдиқланади.

30. Апелляция комиссиясига бошқа ташкилотлардан мутахассислар жалб этилиши мумкин. Апелляция комиссияси ишида аъзоларнинг ярмидан кўпи иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади. Баҳолаш комиссияси аъзолари апелляция комиссияси таркибига киритилмайди.

31. Баҳолаш комиссияси қароридан норози бўлган баҳоланувчи баҳолаш жараёни натижалари эълон қилинган кундан бошлаб уч кун мобайнида апелляция комиссиясига ёзма ёки электрон равишда мурожаат қилиши мумкин.

32. Мурожаатлар рўйхатга олинган санадан бошлаб ўн беш кун мобайнида кўриб чиқилади

33. Апелляция комиссиясига мурожаат қилган баҳоланувчилар уларнинг мурожаати кўриб чиқилган кундан бошлаб уч кун ичида мурожаати кўриб чиқилганлиги тўғрисида хабардор қилинади.

34. Апелляция комиссияси баҳолаш жараёнини ўтказиш тартиблари бузилмаганлиги тўғрисида ёки тартиб бузилган деб топилган тақдирда, мурожаат қилган баҳоланувчини мазкур Низом талаблари асосида биринчи ва иккинчи босқичда қўйилган балларга қўшимча қўшиш тўғрисида якуний қарор қабул қилиши мумкин.

Баҳоланувчининг мурожаати апелляция тартибида бир мартадан ортиқ кўриб чиқилишига йўл қўйилмайди.

5-боб. Якуний қоидалар

35. Баҳоланувчиларни баҳолаш жараёнини ўтказиш билан боғлиқ меҳнат низолари амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

36. Баҳолаш комиссияси ёки апелляция комиссияси қарори устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

37. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Президент таълим муассасалари агентлиги
тизимидаги ижод мактаблари
раҳбарларининг салоҳияти, бошқарув
маҳорати ва ташаббускорлигини баҳолаш
тартиби тўғрисида низомга
1-ИЛОВА

Ижод мактаблари раҳбар кадрларининг меҳнат фаолиятига оид ҳужжатлар жамланмасини (портфолиони) ўрганиш бўйича
БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Т/р	Баҳолаш объекти	Балл
1.	Ижод мактабларида ободонлаштириш ва ташкилотнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратилган ишлар (замонавий жиҳозлар, компьютер техникаси билан таъминланганлиги, таълим-тарбия жараёнини сифатли ташкил этиш учун яратилган шарт-шароитлар)	5 балл
2.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг жамланганлиги ва ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар (норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг педагог ходимларга таништирилганлиги, ижросининг назорати, фуқаролар томонидан келиб тушган мурожаатларнинг ўрганилганлиги)	5 балл
3.	Педагог ходимларнинг салоҳияти (маълумоти, ўз вақтида малака оширганлиги, олий таълимга йўналтирилганлиги)	5 балл
4.	Йиллик иш режа ижросининг таъминланганлиги, ижод мактаби нуфузини оширишга, истиқбол режанинг мавжудлиги ва унинг сифати	5 балл
5.	Таълим-тарбия сифатини оширишга қаратилган жараёнлар (ўқув-семинар, методик маслаҳатлар, ота-оналар ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ўтказилган тадбирлар, педагогик кенгашлар, таълим жараёнлари кузатуви сифати, илғор иш тажрибаларининг оммалаштирилганлиги)	6 балл
6.	Педагог ходимлар томонидан таълим-тарбия жараёнларида илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан, замонавий усул ва услублардан фойдаланилиши	5 балл
7.	Ижод мактаби ходимларини ижтимоий муҳофаза қилиш ва моддий рағбатлантириш юзасидан амалга оширилган ишлар	3 балл
8.	Охирги ўқув йили давомида ижод мактабида педагог ходимлари томонидан яратилган қўлланмалар, илмий ишлар, мақолалар, методик комплекслар (машғулотлар)	6 балл
Жами балл		**40 балл**

**Изоҳ: Баҳоланувчиларнинг меҳнат фаолиятига оид ҳужжатлар жамланмасини (портфолиони) баҳолашда баҳолаш объектининг қай даражада бажарилганлигини инобатга олиб, белгиланган баллдан пастроқ балл қўйилиши мумкин.*

Президент таълим муассасалари агентлиги
тизимидаги ижод мактаблари
раҳбарларининг салоҳияти, бошқарув
маҳорати ва ташаббускорлигини баҳолаш
тартиби тўғрисида низомга
2-ИЛОВА

Ижод мактаблари раҳбар кадрларининг меҳнат фаолиятига оид ҳужжатлар жамланмасини (портфолиони) ўрганиш бўйича
БАҲОЛАРНИ ҚАЙД ЭТИШ ВАРАҚАСИ

Баҳоланувчи: _____

Ижод мактаби номи: _____

Т/р	Баҳолаш объекти	Балл
1.	Ижод мактабларида ободонлаштириш ва ташкилотнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратилган ишлар (замонавий жиҳозлар, компьютер техникаси билан таъминланганлиги, таълим-тарбия жараёнини сифатли ташкил этиш учун яратилган шарт-шароитлар)	
2.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг жамланганлиги ва ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар (норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг педагог ходимларга таништирилганлиги, ижросининг назорати, фуқаролар томонидан келиб тушган мурожаатларнинг ўрганилганлиги)	
3.	Педагог ходимларнинг салоҳияти (маълумоти, ўз вақтида малака оширганлиги, олий таълимга йўналтирилганлиги)	
4.	Йиллик иш режа ижросининг таъминланганлиги, ижод мактаби нуфузини оширишга, истиқбол режанинг мавжудлиги ва унинг сифати	
5.	Таълим-тарбия сифатини оширишга қаратилган жараёнлар (ўқув-семинар, методик маслаҳатлар, ота-оналар ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ўтказилган тадбирлар, педагогик кенгашлар, таълим жараёнлари кузатуви сифати, илғор иш тажрибаларининг оммалаштирилганлиги)	
6.	Педагог ходимлар томонидан таълим-тарбия жараёнларида илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан, замонавий усул ва услублардан фойдаланилиши	
7.	Ижод мактаби ходимларини ижтимоий муҳофаза қилиш ва моддий рағбатлантириш юзасидан амалга оширилган ишлар	
8.	Охирги ўқув йили давомида ижод мактабида педагог ходимлари томонидан яратилган қўлланмалар, илмий ишлар, мақолалар, методик комплекслар (машғулотлар)	
Жами балл		

Эксперт гуруҳи аъзоси _____ _____
(имзо) (Ф.И.О)

Президент таълим муассасалари агентлиги
тизимидаги ижод мактаблари
раҳбарларининг салоҳияти, бошқарув
маҳорати ва ташаббускорлигини баҳолаш
тартиби тўғрисида низомга
3-ИЛОВА

Ижод мактаблари раҳбар кадрлари билан
ўтказиладиган суҳбат жараёнини
БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Суҳбат жараёнида бериладиган учта саволнинг ҳар бири 20 баллгача қуйидагича баҳоланади:

саволнинг жавобини таҳлил қилиб, берилган саволга аниқлик киритиш учун қўшимча саволлар ва изоҳлар талаб қилинмайдиган тарзда, фикрларини турли мисоллар келтириб, манбалари билан асослантирган ҳолда тўлиқ жавоб берса – 20 балл;

саволнинг жавобини таҳлил қилиб, берилган саволга аниқлик киритиш учун қўшимча саволлар ва изоҳлар талаб қилинмайдиган тарзда тўлиқ жавоб берса – 16 балл;

саволнинг жавобини таҳлил қилиб, берилган саволга аниқлик киритиш учун қўшимча саволлар ва изоҳлар талаб қилинадиган тарзда жавоб берса – 12 балл;

саволни таҳлил қила олмаса, берилган саволга мазмунан яқин бўлган қўшимча саволлар ва изоҳлар талаб қилинадиган тарзда қисман жавоб берса – 8 балл;

саволга жавоб бера олмаса, берилган саволга мазмунан яқин бўлган қўшимча саволга жавоб берса – 4 балл;

саволга жавоб бера олмаса, берилган саволга мазмунан яқин бўлган қўшимча саволга ҳам жавоб бера олмаса – 0 балл.

Президент таълим муассасалари агентлиги
тизимидаги ижод мактаблари
раҳбарларининг салоҳияти, бошқарув
маҳорати ва ташаббускорлигини баҳолаш
тартиби тўғрисида низомга
4-ИЛОВА

Ижод мактаблари раҳбар кадрлари билан
ўтказиладиган суҳбат натижаси бўйича
БАҲОЛАРНИ ҚАЙД ЭТИШ ВАРАҚАСИ

Баҳоланувчи: _____

Ижод мактаби номи: _____

Билет рақами: _____

Т/р	**Баҳолаш объекти**	**Балл**
1.	1-савол	
2.	2-савол	
3.	3-савол	
Жами балл		

Баҳолаш комиссияси (раиси, раис ўринбосари, аъзоси) _____ _____
(имзо) (Ф.И.О)

Президент таълим муассасалари агентлиги
тизимидаги ижод мактаблари
раҳбарларининг салоҳияти, бошқарув
маҳорати ва ташаббускорлигини баҳолаш
тартиби тўғрисида низомга
5-ИЛОВА

Баҳолаш жараёнидан четлаштириш ҳақида
ДАЛОЛАТНОМА

Тошкент шаҳри 20__ йил «___» _____

Биз, қуйида имзо чекувчилар шуни тасдиқлаймизки, баҳоланувчи _____қуйидаги сабабларга кўра
(баҳоланувчининг Ф.И.Ш.)
баҳолаш жараёнидан соат _____:_____ да четлатилди:

уяли телефон, бошқа алоқа ва телекоммуникация воситалари, китоб ҳамда шпаргалкалардан фойдаланди;

бошқа ходимлар билан суҳбатлашди;

баҳолаш жараёни тугамасдан хонадан ташқарига чиқди;

бошқа сабаб _____.

Комиссия аъзоси _____ _____
(имзо) (Ф.И.О.)

Комиссия аъзоси _____ _____
(имзо) (Ф.И.О.)

Комиссия аъзоси _____ _____
(имзо) (Ф.И.О.)

Президент таълим муассасалари агентлиги
тизимидаги ижод мактаблари
раҳбарларининг салоҳияти, бошқарув
маҳорати ва ташаббускорлигини баҳолаш
тартиби тўғрисида низомга
6-ИЛОВА

_____комиссиясининг _____ йил “___” _____ куни бўлиб ўтган йиғилишининг ____-сон
(комиссия номи ёзилади)

ҚАРОРИ

Раислик қилувчи: _____ — комиссия раиси

Иштирок этганлар:
_____ — комиссия раисининг ўринбосари
_____ — комиссия аъзоси
_____ — комиссия аъзоси
_____ — комиссия котиби

Т/р	Ижод мактаби номи	Баҳоланувчининг Ф.И.О.	Биринчи босқич натижаси	Иккинчи босқич натижаси	Умумий балл	Баҳолаш комиссиясининг қарори

Комиссия раиси _____

Комиссия раисининг ўринбосари _____

Комиссия котиби _____

Президент таълим муассасалари
агентлиги тизимидаги ижод мактаблари
раҳбарларининг салоҳияти, бошқарув
маҳорати ва ташаббускорлигини баҳолаш
тартиби тўғрисида низомга
7-ИЛОВА

_____
(Республика, вилоят, туман, шаҳар номи)

_____
(ташкилот номи)

БАҲОЛАШ ВАРАҚАСИ

_____
(баҳоланувчининг фамилияси, исми, отасинингисми)

Туғилган йили, куни ва ойи _____

_____ Маълумоти	_____ (иш жойининг номи)	_____ (тамомлаган йили)

Таснифлаш бўйича _____
(тайёрлов ёки таълим йўналиши, мутахассислиги ёки ихтисоси номи)

Илмий даражаси ёки илмий унвони _____
Амалдаги лавозими бўйича иш стажи ____ йил ва умумий иш стажи ____ йил; шу жумладан мазкур ташкилотдаги иш стажи ____ йил
Охирги маротаба малакасини оширган вақти _____

Мукофотлари _____

Комиссия қарори _____
(тўлиқ ёзилади)

Комиссия раиси	_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)	_____ (имзо)
Комиссия раисининг ўринбосари	_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)	_____ (имзо)
Комиссия раисининг ўринбосари	_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)	_____ (имзо)
Комиссия аъзолари	_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)	_____ (имзо)
	_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)	_____ (имзо)
	_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)	_____ (имзо)
	_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)	_____ (имзо)
	_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)	_____ (имзо)
	_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)	_____ (имзо)
Комиссия котиби		

20__ йил "__" _____

Танишдим: _____
(баҳоланувчининг имзоси)

Президент таълим муассасалари агентлиги ва
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим
сифатини назорат қилиш давлат
инспекциясининг
2021 йил _____даги
___ ва ___-сон қарорига
2-ИЛОВА

Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги ижод мактаблари раҳбар кадрларининг салоҳияти, бошқарув маҳорати ва ташаббускорлигини баҳолаш
КОМИССИЯ ТАРКИБИ

1.	А.Абдуллаев	-	Президент таълим муассасалари агентлиги директори ўринбосари, комиссия раиси
2.	Б.Тахиров	-	Президент таълим муассасалари агентлиги директори ўринбосари, комиссия раиси ўринбосари
3.	Х.Кетмонов	-	Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг биринчи ўринбосари, комиссия раиси ўринбосари
4.	Ф.Валиева	-	Президент таълим муассасалари агентлиги Ходимлар билан ишлаш бўлими бош мутахассиси, комиссия котиби
			Аъзолар:
5.	С.Аширов	-	Президент таълим муассасалари агентлиги Ижод мактаблари билан ишлаш бўлими бошлиғи
6.	Келишув асосида	-	Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги вакили
7.	Келишув асосида	-	Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси вакили
8.	Келишув асосида	-	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги вакили
9.	Э.Каримова	-	Директорнинг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалари бўйича маслаҳатчиси
		-	

Изоҳ: *Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда комиссия таркибига уларнинг лавозимларига тайинланган шахслар ёхуд зиммасига тегишли функциялар юкланган шахслар киритилади.*

Президент таълим муассасалари агентлиги ва
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим
сифатини назорат қилиш давлат
инспекциясининг
2021 йил _____даги
___ ва ___-сон қарорига
3-ИЛОВА

Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги ижод мактаблари раҳбар кадрларининг салоҳияти, бошқарув маҳорати ва ташаббускорлигини баҳолаш бўйича
ЭКСПЕРТ ГУРУҲИ ТАРКИБИ

1.	Б.Тахиров	-	Президент таълим муассасалари агентлиги директори ўринбосари, Эксперт гуруҳи раиси
			Аъзолар:
2.	Келишув асосида	-	Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси вакили
3.	А.Уббиев	-	Президент мактаблари билан ишлаш бўлими бошлиғи
4.	С.Раҳимова	-	Ижод мактаблари билан ишлаш бўлими бошлиғи ўринбосари
5.	Х.Усмонов	-	Ташкилий назорат ва мурожаатлар билан ишлаш бўлими бошлиғи

Изоҳ: *Эксперт гуруҳи аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда гуруҳ таркибига уларнинг лавозимларига тайинланган шахслар ёхуд зиммасига тегишли функциялар юкланган шахслар киритилади.*

Зарурият кўра, эксперт гуруҳи ишининг самарадорлигини ошириш учун унинг фаолиятига бошқа мутахассислар ҳам жалб этилиши мумкин.

Президент таълим муассасалари агентлиги
ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Таълим сифатини назорат қилиш давлат
инспекциясининг
2021 йил _____даги
___-, ___-сон қарорига
4-ИЛОВА

Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги ижод мактаблари раҳбар кадрларининг салоҳияти, бошқарув маҳорати ва ташаббускорлигини баҳолаш натижалари юзасидан берилган мурожаатларни кўриб чиқиш бўйича

АПЕЛЛЯЦИЯ КОМИССИЯСИ ТАРКИБИ

1.	У.Мухаммадиев	-	Президент таълим муассасалари агентлиги Юридик бўлим бош юрисконсульти, Апелляция комиссияси раиси
			Аъзолар:
2.	Г.Ишимова	-	Президент таълим муассасалари агентлиги Президенет мактаблари билан ишлаш бўлими бошлиғи ўринбосари
3.	Ҳ.Самандаров	-	Президент таълим муассасалари агентлиги Ихтисослаштирилган мактаблари билан ишлаш бўлими бошлиғи
4.	Келишув асосида	-	Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси вакили
5.	Келишув асосида	-	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги вакили

Изоҳ: *Апелляция комиссияси аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда комиссия таркибига уларнинг лавозимларига тайинланган шахслар ёхуд зиммасига тегишли функциялар юкланган шахслар киритилади.*